

КТ 00026 -сонли шартнома

«Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

«18» 01 2022-й.

Ушбу шартнома «Навой сув таъминоти» МЧЖ, Кармана туман бўлими, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи А.И. Худобайеров (Ф.И.О.)шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи И.У.М. асосида иш олиб боровчи директор Ш. Ибратов (Ф.И.О.)

иккинчи томондан, қуйидагилар хақида тузилди:

**I. Шартнома предмети**

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан буён матида II гуруҳ «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш 8675 нарх бўйича 69 м<sup>3</sup> ни;  
 1 м<sup>3</sup> ичимлик суви учун 8675 сўм (+ККС 15%), + \_\_\_\_\_ сўм (махсус устама ҳақни);  
 1 м<sup>3</sup> оқова суви учун \_\_\_\_\_ сўм (+ККС 15%), + \_\_\_\_\_ сўм (махсус устама ҳақни) ташкил қилмоқда.  
 Шу тарика шартноманинг умумий қиймати \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қилди. (сумма ёзув билан)  
 Шу жумладан, бюджет маблағларидан 698575 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан \_\_\_\_\_ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова суви хизматлари учун тўловларни хар ойнинг 10 санасигача 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова суви хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матида – Қоидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган махсус устама ҳақи 1 м<sup>3</sup> ичимлик суви учун 8675 сўм, 1 м<sup>3</sup> оқова суви хизмати учун \_\_\_\_\_ сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова суви тизимига уланиш учун рўхсат эгувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**II. Умумий қоидалар**

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти рўхсати билан ва у техника имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова суви тармоқларига, ишшоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига рўхсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланиш субистеъмолчи турли гуруҳ ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш хар иккаласи учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дарахтларни сугориш учун фойдаланилишига қуйидаги истисно ҳолатларда йўл қўйилади: ирригация суви бўлмаганда, таъминотчи ташкилоти қуввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, фақат тунги вақтда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова суви хизматидан истеъмолчи хўжалик-истеъмол, маиший эҳтиёж ва ёнгиларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни ҳисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбланади, ҳамда «Таъминотчи» томонидан пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини ҳисобга олиш приборини ечиш, қисқашдан ўтказиш ва ўрнатиш қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган суви ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал суви истеъмоли ва минимал суви истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда суви истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ходими суви ўлчаш тармоғини қайталан қурим билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова суви хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш приборларини ишга тушириш, ҳисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларнинг уланиши «Истеъмолчи» томонидан фақат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техника шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техника шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова суви хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ миқдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз қучини сақлаб қолади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Қуйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, ичимлик ва оқова суви хизматлари тармоқлари, ишшоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техника ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) ичимлик суви истеъмоли учун — тармоққа уланишини узиб қўйувчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади.

б) оқова хизмати учун — «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал оқова тармоғига уланиш нуқтасидаги чиқарув қудуги. Агар чиқарувчи оқова қудуги (камераси) магистрал оқова тармоғига жойлашган бўлса, ушбу қудуқ «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармоғининг бир қисми ҳисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари****3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:**

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик суви ва оқова суви тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонунчилигида ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш.

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан қамда 15 кун олдин оголантирган ҳолда ва ушбу муддатда суви таъминоти ёки оқова сувини чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш.

3.1.3. Ичимлик ва оқова суви хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги хақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вақили орқали бепул олиш.

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва окова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, туловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва окова сув хизматлари кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

### **3.2. «Истеъмолчи» нинг мажбуриятлари:**

3.2.1. Окава тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишидан сақлайдиган барча ўчирувчи қурilmаларининг бут сақланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истеъмолчига қарашли санитария асбоблари, окава тармоқлари, иншоот ва қурilmаларда тамбанинг йўқлиги, ревизияларнинг тиз ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг окава тармоқларида ёки «Таъминотчи» ташкилотидан, ичимлик сув ва окованинг ташки тармоқларида авария (тикилиб қоллиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнги зулфинлари, гидрантлар ва унинг ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурilmаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақлаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва окова сув тармоқлари, иншоотлари ва қурilmаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунийликда белгиланган тартибда жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгига қарши тизимдан фойдаланиш тўхтатилганда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чақирини;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган ҳолда тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

### **3.3. «Таъминотчи» нинг ҳуқуқлари:**

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истеъмолчининг 7 кун аввал ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва окова сувларни қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истеъмолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва окова сув тармоқлари, қурilmалар ва иншоотларнинг техник ҳолати қоникарсиз бўлганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истеъмолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истеъмолчининг сувни ҳисобга олиш узели, ичимлик ва окова сув тармоқлари, қурilmалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида қўлдан кечирини, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув беришни мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажарини учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва окова сув тармоқлари, қурilmаларида режали-огоҳлантириш тартибда таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва окова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аниқланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва окова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;

е) «Истеъмолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва окова сув тармоқларига, қурilmаларига «Таъминотчи» ташкилотидан уланган учун белгиланган тартибда руҳсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда уланиши рад этилганда;

е) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у оқизилаётган окова сувлар миқдори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти қуйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишга ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табiiй офатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёнги чиққан жойларга сув узатишни қўпайтиришга зарурат тугилганда.

### **3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:**

3.4.1. Сув таъминоти ва окова сувни чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва окова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлик ва окова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва окова тармоқлари, иншоотлари ҳамда қурilmаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиришда истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувни беҳуда сарфининг оқидини олиш, саноат қорхоналари ва уларга тенглаштирилган қорхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя қилинаётганини мунтазам равишда назорат қилиш;

3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан орттирилувчи 10,0 коэффициентни қўллаш;

3.4.7. Окова сув тизимига оқизилаётган оковаларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчига пеня ҳисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартларига риоя этилмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

3.4.10. Ичимлик ва окова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга бепул тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва окова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

3.4.12. Ичимлик ва окова сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва уқилишлар ҳақида истеъмолчилар уқилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огоҳлантириш.

## **IV. Тарафларнинг жавобгарлиги**

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаши шарт.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик сувни ҳисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланган чизиги жўмраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларининг ҳудудида ва тасарруфида бўлган пломбаланган ҳисоблаш қурilmаларининг касдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш приборларидаги кўрсаткичларни ташқаридан арадашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан қурilmалар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган окова тармоғига ёнги ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймастик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

д) Қонунийликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

4.3. «Таъминотчи» қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) Амлдаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунийликда қўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва окова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларни ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунийликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда қоплаш;

г) Шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

- 5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш прибори мавжуд бўлганда, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.
- 5.2. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охириги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.
- 5.3. Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган ҳар бир куни учун истеъмолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 5.4. «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор қилган пайтдан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин қарзларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.
- Бундай ҳолларда ёнгиндан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий ҳисоблаш микдорининг 10 (ўн) баробари микдорда тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.
- 5.5. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг микдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув микдorigа тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув микдorigа оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициентни қўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг микдори ушбу сув қурилмаларининг махсусдорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.
- 5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (кудук, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан махсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.
- 5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, кудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимига оқова сувларни окизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

## VI. Алоҳида шартлар

- 6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларини тўлаб, бу ҳақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетгач сувни ҳисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.
- 6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0,60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;  
F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м<sup>2</sup>;  
g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;  
H – сувнинг метрлардаги босими;  
t – вақт- 24 соат, секундларда.

### Қуйдаги ҳолатларда юқоридаги формула асосида ҳисобланади:

- 6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);
- 6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;
- 6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;
- 6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;
- 6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;
- 6.2.6. Сув ўлчаш приборининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя копламига (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;
- 6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнгиндан сакланиш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:
- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;
  - ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансидаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.
- 6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.
- Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.
- 6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ҳамда шу қабилар асосида ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.
- 6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёзди ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.
- 6.7. Оқова тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари окизилаётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунида қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган. «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари» ҳамда ифлослантнувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортикча окизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент микдор тартибда ҳисобланади.
- 6.8. Оқова сувни чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича меъёрлар билан белгиланган окизишнинг йўл қўйиладиган чекланган микдоридан ортикча оқова сувлар ва ифлослантнувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.
- 6.9. Ифлослантнувчи моддаларни нормативдан ортикча окизганлик учун компенсация тўловларини ҳисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.
- 6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари ҳамда ифлослантнувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортикча окизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармоқларидан узиб қўйилади.
- 6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

## VII. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан хал қилинади.  
Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юридик «Истеъмолчи» давлат рўйхатидан ўтган суд органларида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда Қонунчиликда белгиланган тартибда хал қилинади.

## VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқурф шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш мудлати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзига келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мажбур бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинималарида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

## X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Навоний суғ таъминоти» МЧЖ  
Кармана туман бўлими  
Манзил: Кармана тумани  
Тошкент кўчаси 7-уй  
Тел: 79 332 41-82  
Банк: АТИБ Ипотека банк  
МФО: 00205, ИНН: 300024824  
№р: 22638000704548322361

Рахбар

М.С. (Ф.И.О. иш)

202 й.

Юридик консулт:



Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

« \_\_\_\_\_ » 202 й.

«ИСТЕЪМОЛЧИ»  
Бўф М.  
Манзил: Кармана м.  
Тел: 53-2-47-18, факс  
газ/х-р: 2340000700100001010  
Банк: Мақолий Банк  
Банк коди: 00014 СТИР: 201122919  
ХХТУТ: 85510  
Шахсий рақам: 10002186012234708361097001  
Шахсий х-р: \_\_\_\_\_  
Банк: Мақолий Банк  
Банк коди: 00014 СТИР: 201 945 352  
Рахбар: М. Ибатов  
(Ф.И.О. иш)  
202 й.